

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

---

**АМОНОВ МЕХРОЖИДДИН УЗБЕКОВИЧ**

**XVIII-XIX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАҚШБАНДИЯ-  
МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ**

**24.00.01. – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД-2021**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Historical Sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Амонов Мехрожиддин Узбекович**

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддиия  
тариқати..... 3

**Amonov Mekhrojiddin Uzbekovich**

The tariqat of naqshbandiya-mujaddidiya in Central Asia in the 18-19th  
centuries ..... 21

**Аманов Мехрожиддин Узбекович**

Суфийское братство нақшбандийа-муджаддиийа в Центральной Азии в  
XVIII-XIX вв. .... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

---

**АМОНОВ МЕХРОЖИДДИН УЗБЕКОВИЧ**

**XVIII-XIX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАҚШБАНДИЯ-  
МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ**

**24.00.01. – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД-2021**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.(PhD)/Isl33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.iiu.uz](http://www.iiu.uz)) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аминов Бобир Бомуродович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Останакулов Икромитдин**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Султонов Ўктамбек Абдулганиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, E-mail: [info@iiu.uz](mailto:info@iiu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел: (99871) 2440091.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди. (2021 йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Р.Махсудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**З.М.Исломов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

### **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнлари натижасида ислом дини билан ҳамоҳанг тарзда тасаввуф таълимоти ҳам кенг тарқалмоқда. Тасаввуф (تصوف) ва унинг ғоялари ислом тамаддунининг ривожига ва тараққиётига таъсир кўрсатувчи омил сифатида кўплаб инсонларни тинчликсеварлик, адолатпарварлик, гуманизм руҳида тарбиялашда улкан салоҳиятга эга. Тасаввуф тариқатларининг ичида энг машҳурларидан бири нақшбандия мусулмонлар ахлоқи ва дунёқарашини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда. Нақшбандия тариқатининг катта тармоғи саналган нақшбандия-муҷаддидия (نقشبندیہ مجددیہ) силсиласи диндорларнинг нафақат руҳий-маънавий, балки ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда тасаввуф тариқати ва улар фаолияти билан боғлиқ жараёнлар устувор мавзулар сифатида ўрганиб келинмоқда. Ислом оламидаги бир қатор илмий тадқиқот марказларида тасаввуф таълимоти, тариқатлар ичида нақшбандиянинг ўрни, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги, унинг ёйилиши, маънавий силсиласи, тариқат намояндаларининг ўзаро муносабати, зикрнинг махфий ва жаҳрий кўринишлари ҳудудларга кенг тарқалишига доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Нақшбандия тариқатининг XVII асрга келиб Ҳиндистонда янги асос солинган нақшбандия-муҷаддидия йўналишининг Марказий Осиёга тарқалиши ва бунга туртки берган омилларни очиб бериш орқали мазкур тадқиқотлар салмоғи янада ортади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда нақшбандия тариқати фаолияти ва илмий-маърифий меросини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Бухорода Етти пир тарихини ўрганиш ва зиёратгоҳларни обод қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бухоро тасаввуф мактаби фаолияти йўлга қўйилгани, Мир Араб олий мадрасасининг ташкил этилгани ва ушбу муассасаларда тасаввуф илмини алоҳида ўрганилаётгани мазкур йўналишда чуқурлашган тадқиқотларни олиб боришни тақозо қилади. Шундан келиб чиқиб нақшбандия-муҷаддидия силсиласининг Марказий Осиёга кенг тарқалиши, янги тасаввуф марказлари вужудга келиши, нақшбандия-муҷаддидия марказлари, намояндалари ва уларнинг маънавий ҳаётда тутган ўрни ҳақидаги янги илмий маълумотларни ўқув жараёнларига олиб қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмиди янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги 2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимиди янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлари тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 27 мартдаги 2855-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2019 йил 4 октябрдаги 846-сон “Тарихий, бадиий ёки ўзга маданий қимматлилиги туфайли гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё исломшунослиги, ислом ва тасаввуф тарихи соҳаларида нақшбандия-мужаддиия бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг турли илмий марказлари, ислом тарихи, тарихшунослиги билан боғлиқ муассасаларида амалга оширилган. Исломшунос, тасаввуфшунос олимлар томонидан бу борада ёзилган ва ҳимоя қилинган диссертациялари билан бир қаторда уларнинг бу тариқат масаласидаги фикр-мулоҳазалари илмий мақолалар ҳамда монографияларда ҳам ўз аксини топган.

Мовароуннаҳрда тасаввуфни ўрганишда дастлабки қадамни рус ва собиқ Шўро даври олимлари бошлаб юборган. Уларнинг илмий мақола, ҳисобот, китоблари – сўфийлик тариқатлари тарихи, тасаввуф шайхлари ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг марказларига бағишланган. Булар орасида В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Семенов каби олимлар ва уларнинг тадқиқотларида асосан нақшбандийликка оид фикр-мулоҳазалар юритилган. Ғарб олимлари орасидан Ҳ.Алгар, А.Д.Кныш, Дж.С.Тримингем, А.Шиммель, Ж.Г.Ж.Тер Хаарнинг илмий тадқиқот ишларида илғор услублар асосида нақшбандия-мужаддиияга оид турли фикр-мулоҳазалар учрайди<sup>1</sup>.

Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддииянинг ёйилиши, марказлари, айниқса сиёсий доираларда муҳим ўрин тутиши, анъаналари ва ўзига хос жиҳатлари Анке фон Кюгельген ва туркиялик олим Неждат Тосун ишларида ҳам ўз аксини топган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Бартольд В. Мистицизм в исламе // Работы по истории ислама и Арабского халифата. Соч. Т.6. – Москва: Наука, 1966. – С.117-118.; Бертельс Е. Навои и Джами // Бертельс Е. Избранные труды. М.: Наука, 1965.; Семёнов А.А. Рассказ шугнанских исмаилитов о бухарском шейхе Бега-уд-Дине // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Том двадцать второй. 1913-1914. – Петроград: Типография Императорской Академии Наук, 1915. – С. 321-326; Algar H.A. Brief History of Naqshbandiya order // In: M. Gaborieau, A.Popovich, T. Zarcone (eds.), Naqshbandis-Cheminement et situation actuelle d'un ordre mystique musulman. – Istanbul-Paris: Hayat, 1990; Dahbediya // Encyclopaedia Iranica. – California, 1993. VI. – 585-586 p.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история. – СПб.: ДИЛЯ, 2004. – 464 с.; Тримингем Дж.С. Суфийской ордены в исламе. Перевод с англ. А.А. Ставильской, под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989. – 328 с.; Haarter J.G.J. The Naqshbandi Tradition in the Eyes of Ahmad Sirhindi. In: Varia Turcica 18. 1990. – P.77-87. Анне-Мари Шиммель. Мир исламского мистицизма. – М.: Алитея, Энигма, 2000. – 131 б.;

<sup>2</sup> Кюгельген А. Расцвет Накшбандийа-Мужаддиийа // Суфизм в Центральной Азии. – СПб, 2001. 275-330 с; Tosun N. Türkitan dervişlerinden yadigar. Orta Asya Türkçesiyle Yazılmış Tasavvufi Eserler. – Istanbul. İnsan yayınları, 2011. – 198 s; Tosun N. Bhaeddin Nakşband: Hayatı, Görüşleri, Tarikatı. – Istanbul: İnsan yayınları,

Маҳаллий олимлар томонидан нақшбандия-муҷаддиция тарихи, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ва бу соҳада Б. Бабаджанов, С.С. Бухорий, А. Жуманазаров, К. Каттаев, Н. Комилов, М. Кенжабек, Г.Н. Наврўзова, Ш. Сирожиддинов, С. Рафиддинов, Р.А. Тиллабоев, И. Усмонов, Х. Юлдашходжаев каби олимларнинг тадқиқотлари тариқат ҳақида тасаввурларни кенгайтиради<sup>3</sup>.

Ўзбекистон ҳудудида нақшбандия-муҷаддициянинг маҳаллий намояндалари, уларнинг фаолияти, айрим жойлар ва ҳудудлардаги марказлари ўрганилмагани, улар хусусида ёзилган манбалар илмий ишлар доирасига тўлиқ тортилмагани нуктаи назаридан мазкур тариқат тарихини тадқиқ этиш зарурлиги сезилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш” қўмитасининг 2015 йил 25 февраль куни тасдиқланган И-2015-1-20 “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси” мавзусидаги давлат буюртмаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддиция тариқати аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Нақшбандия-муҷаддиция таълимоти ва тарихини ўрганишдаги ёндашувларни кўрсатиш;

минтақада нақшбандия тариқати тарихига оид ёзма манбаларни аниқлаш ва илмий муомалага киритиш;

тариқат намояндалари мақбараларидаги тош битикларни тадқиқ этиш;

нақшбандия-муҷаддиция тариқат силсиласи ва генеалогиясини тиклаш;

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддиция тариқати марказларини аниқлаш;

нақшбандия-муҷаддиция билан боғлиқ зиёратгоҳ ва қадамжоларни ёритиш;

---

2002. – 163 s.; Tosun N. Imam-ı Rabbanı Ahmed Sirhindi: Hayatı Eserleri Tasavvufi Görüşleri. – İstanbul: İnsan yayınları, 2005. – 174 s; Tosun N. Altın silsile. – İstanbul: Mega Basım, 2016. – 201 s.

<sup>3</sup>Бабаджанов Б. Политическая деятельность шайхов Накшбандиййа в Мавара’ан-нахре (1-я пол. XVI в.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т.: 1996. – 23 с.; Бухорий С.С. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012. – 288 б; Абдусаттор Ж. Вахшувор. – Т.: Akademnashr, 2015. – 256 б.; Абдусаттор Ж. Машраб. – Т.: Akademnashr, 2015. – 224 б.; Каттаев К. Маҳдуми Аъзам тарихи ва мукамал даҳбедийлар тариқати. – Т.: Mashhur-press, 2016. – 192 б.; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.; Кенжабек М. Буюк Термизийлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 528 б; Наврўзова Г.Н. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фан. док. ... дисс. Т.: 2002. – 289 б.; Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1 қисм. – Т.: 2001. – 80 б.; Рафиддинов С. Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин” китоби ҳақида // Ислому нури. 1992 йил 17-сон; Тиллабоев Р.А. К вопросу об ордене Накшбандиййа / Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: Фан, 1991. – С.16-27.; Усмонов И. Мовароуннаҳр тариқатларида ақидавий қарашлар // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. Т.: 2017. – №3 сон. – Б. 4-11; Юлдашходжаев Х.Х. Мусоҳон Даҳбидийнинг нақшбандия-муҷаддиция тариқати ривожда тутган ўрни (XVIII аср). Тар. фан. ном. ... дис. – Т.: 2008. – 156 б.

Марказий Осиёда мужаддия тариқати пирлари ҳамда муридлари ўртасидаги силсила ва насаб жиҳатдан боғлиқликни кўрсатиш;

Сўфи Оллоҳёр ва унинг шогирдлари ўртасидаги муршид-муридлик анъаналари, таълимни ривожлантиришдаги фаолиятларини очиб бериш;

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда фаолият юритган нақшбандия-мужаддиянинг маҳаллий тармоқларини аниқлаш ва таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тасаввуф тариқати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқати маҳаллий марказларининг ёйилиши ва тариқат пешволари ҳаёти ҳамда ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, умумлаштириш, таққослаш, тизимлилик, қиёсий-тарихий, тарихий даврлаштириш, микротарихий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддиянинг (نقشبندیہ مجددیہ) фаол намояндалари ҳисобланган ҳукмдорларнинг тариқатни қўллаб-қувватлаши натижасида Самарқандда Чўнқаймиш ва Жумабозор, Хиротнинг Каррух номи билан боғлиқ янги тасаввуф марказлари шаклланиши ва уларнинг мунтазам фаолият олиб бориши учун вақф мулклари ажратилгани аниқланган;

тасаввуф намояндалари қабртошларидаги эпиграфик ёзувлар нафақат муайян шахснинг дафн этилганини кўрсатувчи маълумот манбаи, балки ўша шахснинг ҳаёти ва илмий фаолияти, оиласи, устоз ва шогирдлари ҳақида ҳам қимматли маълумот берувчи манба экани исботланган;

XVIII-XIX асрларга келиб нақшбандия-мужаддия силсиласи фаолияти тариқат шайхлари билан ўзаро алоқаларнинг тизимли йўлга қўйилиши ҳамда ҳукмдорларнинг диний сиёсати ва ислохотлари натижасида қайта жонлангани ва Марказий Осиё минтақасида кенг тарқалгани очиб берилган;

минтақада таълим-тарбияни янада юксалтириш, ўқув жараёнининг сустрелашувини олдини олиш мақсадида нақшбандия-мужаддия шайхлари томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросонда янги мадрасалар очилгани, мударрислар фаолияти тизимли йўлга қўйилгани ҳамда талабаларга “Тасаввуф” ва “Фикҳ” фанларидан махсус дарсликлар ёзиш учун ҳомийлик қилингани далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқатида фаолият кўрсатган тариқат муршидлари ҳаёти, фаолиятини ёритишга оид жами 10 та нодир қўлёзма манбалар аниқланган;

нақшбандия-мужаддия тариқати ва намояндалари тарихи, силсиласи, кенг ҳудуд бўйлаб ёйилиши, замон ҳукмдорлари ва амалдорлари томонидан ажратилган вақф мулкларига доир 6 та вақф, 6 та иршоднома, 10 та муҳр аниқланган ва илмий муомалага киритилган;

Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқати билан боғлиқ 4 та меъморий обида ва тарих саҳифаларидан ўчирилган 14 та зиёратгоҳ тарихи аниқланди ва тариқатнинг ёйилишида асосий илмий-маърифий марказ бўлгани аниқланган;

тариқатда фаолият олиб борган тасаввуф намояндалари илмий-маърифий фаолиятини ёритувчи қўлёзма манбаларда учрамайдиган маълумотларни 12 та эпиграфик ёдгорликларда сақланиб қолган тошбитикларни тадқиқ этиш орқали ўз исботини топган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий қарашларидан фойдаланилгани, тарихий ва илмий жараёни баҳолашда қўлёзма манбалар ва ҳужжатларга таянилгани, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 530, 1590, 2085/II, 11308, 12240; Ҳамид Сулаймонов фондида 3201, 8902/2; Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзмалар ва тарихий ҳужжатлар фондида 5653/2, 48, 955; Қўқон адабиёт музейи фонди инв. № кр 10634-pf 1728; Ўзбекистон Миллий Архив фондида И-18, 1-рўйхат 9828-иш, И-323, 1-рўйхат 1194/5-иш; Абдулазиз кутубхонаси қошидаги Ориф Ҳикмат кутубхонаси фондида 1705-261/39, 1710-261/44 инвентар рақамларда сақланаётган нодир “Миръот ус-соликин” каби қўлёзма нусхалар билан қиёслаган ҳолда амалга оширилгани, диссертация мавзуси бўйича ОАК томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон этиш учун тавсия этилган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларда кенг муҳокама қилинган маърузалар ҳамда тадқиқот натижаларидан келиб чиққан таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар асосида нақшбандия-мужаддия тариқатининг Марказий Осиё тарихида тутган ўрнини аниқлаш орқали тўпланган қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий ҳужжатлар ҳамда эпиграфик ёдгорликларнинг илмий муомалага киритилгани, улар ҳажм ва даражаси билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари учун “Исломшунослик”, “Ўрта Осиё ислом тарихи”, “Манбашунослик”, “Мовароуннаҳр алломалари”, “Марказий Осиё тасаввуф тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” каби асосий ва махсус курсларнинг мазмунини такомиллаштириш, педагогик жараёни янги маълумотлар билан бойитишда ҳамда тасаввуф тариқатларига доир моддий-маънавий мерос намуналарини тадқиқ этиш учун хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқати таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддииянинг (نقشبندیه مجددیه) фаол намояндалари ҳисобланган ҳукмдорларнинг тариқатни қўллаб-қувватлаши натижасида Самарқандда Чўнқаймиш ва Жумабозор, Ҳиротнинг Каррух номи билан боғлиқ янги тасаввуф марказлари шаклланигани ва уларнинг мунтазам фаолият олиб бориши учун вақф мулклари ажратилгани аниқлангани ҳақидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган “Хожагон нақшбандия”, “Етти пир (дунё муршидлари)” китобларининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 30 октябрдаги 2112-сон маълумотномаси). Натижада тасаввуф тариқати раҳнаомлари тарихи, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш анъаналари билан танишувига, ёшларни маънавий камолоти ва тарбиясини шаклланишига хизмат қилган;

тасаввуф намояндалари қабртошларидаги эпитафик ёзувлар нафақат муайян шахснинг дафн этилганини кўрсатувчи маълумот манбаи, балки ўша шахснинг ҳаёти ва илмий фаолияти, оиласи, устоз ва шогирдлари ҳақида ҳам қимматли маълумот берувчи манба экани исботлангани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган “Бухоро таълим тизими тарихи” китоби мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 8 октябрдаги 528/21-сон маълумотномаси). Натижада Марказий Осиёда мавжуд нақшбандия-мужаддиия тариқати билан боғлиқ бўлган муқаддас зиёратгоҳлар тарихи ва нодир тарихий мерос ҳамда эпитафик ёдгорликларнинг тарихи ёритилишига хизмат қилган;

XVIII-XIX асрларга келиб нақшбандия-мужаддиия силсиласи фаолияти тариқат шайхлари билан ўзаро алоқаларнинг тизимли йўлга қўйилиши ҳамда ҳукмдорларнинг диний сиёсати ва ислохотлари натижасида қайта жонлангани ва Марказий Осиё минтақасида кенг тарқалгани очиб берилгани ҳақидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган “Вахшувор” китоби мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 0112-044976-сон маълумотномаси). Натижада маданий мерос объектлари тарихи, илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари учун қўлёзмалар ва тарихий ҳужжатлар билан ишлашда қўлланма бўлиб хизмат қилган;

минтақада таълим-тарбияни янада юксалтириш, ўқув жараёнининг сустрлашувини олдини олиш мақсадида нақшбандия-мужаддиия шайхлари томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросонда янги мадрасалар очилгани, мударрислар фаолияти тизимли йўлга қўйилгани ҳамда талабаларга “Тасаввуф” ва “Фикҳ” фанларидан махсус дарсликлар ёзиш учун ҳомийлик қилинганликлари далиллангани ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O`zbekiston” телерадиоканали таркибидаги “O`zbekiston tarixi” телеканалида намоёиш этилаётган “Тарихий савол” каби тизимли кўрсатувларни сценарийларини тузишда фойдаланилган (“O`zbekiston” телерадиоканали 2020 йил 19 октябрдаги 03-20-982-сон маълумотномаси). Натижада нақшбандия-мужаддиия тариқатининг

намояндалари тарихи ва фаолияти ҳақида аҳолига сермазмун тарихий фактларга бой маълумотларни етказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши мундарижа, кириш, уч боб, асосий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 5 та иловадан иборат бўлиб, ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари ва диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги маълум қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XVIII-XIX асрларда нақшбандия-мужаддиия таълимоти тарихини ўрганишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, уч параграфдан ташкил топган бўлиб, унда тариқатнинг ўрганилиш тарихи, таълимот тарқалган Марказий Осиёдаги ҳудудлар, мавзу доирасида ўрганилган зиёратгоҳлардаги тарихий иморатлар ва эпиграфик ёдгорликлар тадқиқ қилинган. Биринчи бобнинг биринчи параграфи *“Нақшбандия-мужаддиия таълимоти ва тарихини ўрганишда қўлланилган методлар”* масалаларига бағишланган. Мазкур параграфда асосан нақшбандия-мужаддииянинг Марказий Осиёдаги тармоқлари тарихи билан боғлиқ илмий ишлар ва тадқиқотлар натижаларига эътибор қаратилиши билан бир қаторда нақшбандия тарихини чамбарчас боғлаган ҳолда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Ҳар бир тадқиқот тарих илмида маълум бир методга асосланади ва илмий усуллар мавзу, унинг материали ва бошқа хусусиятларига қараб қўлланилган. Тасаввуф таълимоти ва унинг ўрганилиши хорижий мамлакат олимлари фаолиятида етакчи роль ўйнаган ва шу боисдан ҳам бу соҳа тадқиқотчилари ирфоний адабиётларни тадқиқ ва таҳлил қилишда алоҳида эътибор қаратишган.

Нақшбандия-мужаддиция ҳақида рус олимлари ва баъзи ғарб олимлари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, Сўфи Оллоҳёр тармоғи вакили Муҳаммад Ислон шайх Каррухий ҳақида унинг муридларидан эшитиб, маълум далилларни Артур Конолли (1807-1842) томонидан келтирилган. Ҳозирги даврда эса ғарб олимлари орасидан А.фон Кюгельген, Ҳ.Алгар, Ж.Г.Ж.Тер Хаар, В.Э.Фюсфельд, А.Бюхлер каби олимларнинг илмий тадқиқотларида нақшбандия-мужаддиция билан боғлиқ муаммолар, тариқатнинг тарихи ва ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Тасаввуф мутахассиси Ҳ.Алгар илмий тадқиқотларида биродарлик, яъни тариқатнинг тарихини шарҳлаш ва кузатишдан бошлаган. Бернд Радтке ёзма манбани ўрганиб, муҳим таҳлилий мавзунини илгари суради. У индуктив метод ёрдамида тадқиқотчи хусусийликдан умумийликка ўтиб, Марказий Осиё тасаввуф тарихи учун принципиал хулосага келади ва мўғуллар истилосига қадар бу ерларда тасаввуф мактаблари мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтган.

XVIII-XIX асрлар нақшбандия-мужаддициянинг Марказий Осиёда гуллаб-яшнаган даври бўлган. Анке фон Кюгельген фикрича, тариқатнинг бу вақтда ягона марказлашуви ва ягона раҳбарлиги бўлмаган. Бу даврга келиб турли анъаналарга дахлдор ва унинг доирасидаги кўп сонли тасаввуф жамоалари ўртасида рақобат бўлганини ўша даврдаги вазият тақозо этган. Анке фон Кюгельген ягона анъана доирасидаги тасаввуф жамоаларининг рухий-маънавий-диний ҳаётини белгилаб берувчи ягона, қабул қилинган қонун-қоидалар бўлмаганини таъкидлайди. Мужаддиийларнинг бир гуруҳи махфий зикр қилса, бошқа бир гуруҳи жаҳрий зикр ва зоҳидона шеърларни кўшиқ қилиб айтган<sup>4</sup>.

Нақшбандия таълимоти Олег Ярош, Александр Папас тадқиқотларида тариқатнинг Осиё ва Африка ҳудудларига тарқалиши, *нақшбандия-ҳаққония* силсиласи тарихи ҳақида фикр-мулоҳазалар мавжуд. Юқоридаги тадқиқотчилар ишларида тарихий-қиёсий, тарихий-тизимли, ретроспектив, тарихий даврлаштириш каби методларни қўллаш етакчилик қилган. Тадқиқотда имкон қадар мана шу методлардан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Шулар қатори Девин Ди Уис, А.Хисматуллин, Н.Тосун, Б.Бобожонов, А.Мўминов каби тасаввуф соҳасида илмий изланиш олиб борган тадқиқотчиларнинг изланишларига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг қўллаган методлари ва тажрибаларидан фойдаланилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “*Нақшбандия-мужаддиция таълимотига оид манбалар шарҳи*” деб номланган. XVII асрнинг бошларида Ҳиндистон диёрида Шох Акбарнинг (1542-1605) диний сиёсати ва ислохотларидан норозилик сифатида вужудга келган ва *мужаддид алф-сони* – Аҳмад Форуқий Сирҳиндий (1564-1624) томонидан асос солинган. Тасаввуф тарихида нақшбандия-мужаддиция номи билан кирган тариқатнинг Марказий Осиёда тарқалиши ва маълум бир марказларда фаолият юритиши

---

<sup>4</sup> Кюгельген А. Расцвет Накшбандийа-Муджаддиийа в Средней Трансоксании с XVIII – до начала XIX вв.: опыт детективного расследования / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст.памяти Фритца Майера (1912–1998) / Сост. и отв. редактор А.А. Хисматулин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – 275-330 с.

ҳамда Мовароуннаҳрда ривожланиши ва ёйилишига оид турли манбалар мавжуд. XVIII-XIX асрларда яратилган “Лутфи бузург”, “Тарихи Хумулий”, “Маҳазин ут-тақво”, “Тухфат ул-аҳбоб”, “Тухфат ул-ансоб”, “Ҳазарот ул-қудс”, “Тазкираи Мажзуб Намангоний”, “Тарихий Бухоро ва таржимат ул-уламо”, “Насимат ул-қудс мин ҳадоиқ ул-унс” каби асарлар киради<sup>5</sup>. Диссертация ишида Мирзо Мақсуд Дахбедий қаламига мансуб “Равойиҳ ул-қудс” ва “Миръот ус-соликин”нинг автограф нусхасида тасаввуф тарихи, XIX аср охирига қадар нақшбандия-муҷаддидия тариқатининг шаклланиши, 45 та шайхнинг Марказий Осиёдаги ирфоний фаолияти, Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозикнинг “Силсилаи нақшбандия” рисоласида тариқатнинг руҳий-маънавий силсиласи, “Воқеоти исломия” асарида 68 та шайх, 13 та давлат арбоби ва 27 та жой номи, Мавлоно Нуриддин Маҳжурийнинг “Тазкираи олимони Самарқанд” асарида тариқат билан боғлиқ меъморий ёдгорликлар бунёд этилган саналари, Муҳаммад Қосимнинг “Маноқиби Ислом шайх” асарида пир-муридлик муносабатлари ёритилгани исботланган. Бундан ташқари мавзу доирасида иршоднома, вақф ҳужжатларига ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, Сўфи Оллоҳёр томонидан ҳозирги Чўнқаймиш қишлоғи ва унинг атрофларида масжид, хонақоҳ ва талабаларга дарс бериладиган махсус мадраса барпо этган. Бу ҳақида Ўзбекистон Миллий Архив фонди И-18, рўйхат-1, иш-9828 рақамида сақланаётган вақф ҳужжати орқали маълумотга эга бўлиш мумкин. Сўфи Оллоҳёр ҳаётлик чоғида (1123/1711 йилда) ёзилган ва бевосита унинг Чўнқаймишда олиб борган фаолиятини акс эттирувчи ноёб тарихий ҳужжатлардан биридир. Ҳужжат мазкур мадрасага тегишли ер-мулклар тўғрисида ва унинг фаолияти тарихини очиб беришда бирламчи манбалардан экани билан аҳамиятлидир.

Биринчи бобнинг *“Нақшбандия-муҷаддидия билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик ёдгорликлар”* деб номланган учинчи параграфида нақшбандия-муҷаддидия билан боғлиқ зиёратгоҳлар, қадамжолар, мазорлар ҳамда бу ерлардаги меъморий ва эпиграфик ёдгорликлар тавсифи ва таҳлилига бағишланган. Бундай ёдгорликлар асосан XVIII-XIX асрларга мансуб. Тариқатнинг машҳур шайхларидан Сўфи Оллоҳёрнинг номи билан боғлиқ объектлар – Вахшувор (Сурхондарё вил.), Чўнқаймиш (Нуробод тум.), Эшон мазор (Каттақўрғон), Мавлоно Иброҳим хожа (Самарқанд ш.), Каррухий (Тойлоқ тум.), Ўзбек хожа (Ургут тум.), Атоуллоҳ Хўқандий (Фарғона вил.), Азизи Ғузорий (Қашқадарё вил. Ғузор тум.), Ҳозик мақбараси (Китоб тум.) мавжуд. Сўфи Оллоҳёрнинг муридлари, авлодлари дафн этилган жой ва улар қабрига ўрнатилган қабртошлар сақланиб қолгани аниқланган. Ҳозирги вақтда ҳам маҳаллий зиёратгоҳларга айланган ҳудудлар ҳисобланиб, нақшбандия-муҷаддидия тарихини, унинг марказлари ва кенг ёйилишига оид маълумотларни берган. Сўфи Оллоҳёр йўлини танлаган шайхлар орасида Фарғонада фаолият олиб борган Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандий Сўфи

<sup>5</sup> Kugelgen A. Die entfaltung der nagshbandiya mugaddidiya im mittleren transoxanien vom 18. Bis zum beginn des 19. Jahrhunderts: Ein stück detektivarbeit // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries vol. 2. Berlin. Klaus schiwers Verlag. 1998; Абдусаттор Ж. Вахшувор. – Т.: Akademnashr, 2015; Абдусаттор Ж. Машраб. – Т.: Akademnashr, 2015.

Оллоҳёрнинг муриди Ислом шайх Каррухийнинг шогирди ҳисобланган. У каромат соҳиби бўлган ва унинг муридларидан бири машҳур тасаввуф олими, шоир ва табиб Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик саналган.

Қабртош битикларидаги маълумотлар асосида тасаввуф тариқатига мансуб шахсларнинг исми, вафот санаси, шахсий сифатлари ҳамда дафн этилган жойлари аниқланган. Тошлардаги генеалогик далиллар тариқат намояндаларининг насабномаси ёки силсиласини тиклаш имконини берди. Мозорлар ва эпитафияларни ўрганиш орқали ўрганилаётган тариқатга мансуб, бироқ исмлари тасаввуф тарихида маълум бўлмаган бир қатор шахслар (Қамариддин Ғузорий, Атоуллоҳ Хўқандий, Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа Самарқандий, Мирзо Абул Фатх) ҳақида ойдинлик киритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Нақшбандия-мужаддия силсиласининг тарқалиши ва марказлари”** деб номланиб, нақшбандия-мужаддия силсиласининг Марказий Осиёда тарқалиши, тариқат шоҳобчаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишларига бағишланган. Биринчи параграфи *“Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия силсиласи”* деб номланган тариқатнинг силсиласи ёритилган. Муҳаммад (с.а.в)дан Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али орқали тўрт силсила мусулмон дунёси бўйлаб ёйилган ва бундай боғланиш тасаввуф тариқатларининг негизи Пайғамбар (с.а.в)га бориб тақалишидан далолат беради. Манбаларда Абу Бакр Сиддиқ орқали нақшбандия, Умар ибн Хаттобдан суҳравардия-кубровия, Усмондан эса чиштия-ишқия ва Ҳазрати Алидан қодирия-жаҳрия силсиласи бошланади. Мовароуннаҳрда мазкур тариқатнинг насаб ва силсилалари хусусида тўхталган ва унда тасаввуф намояндаларининг бир-бирлари билан муршид-муридлик муносабатлари ва ўзаро алоқаларига тўхталган. Сўфи Оллоҳёр ва унинг устозлари Ҳожи Ҳабибуллоҳ Бухорий ва шайх Сўфи Наврўз Шаҳрисабзий, Мирзо Жон Жонон, Мусохонхожа Даҳбедийлар ҳамда улардан кейин силсилада турган шахсларнинг исмлари келтирилган. Силсила ва насабдаги боғланишлар асосан насабнома, маноқиб ва тазкиралардан олинган. Параграфда халифа Ғойибназардан иршод олган ҳамда Сўфи Муҳаммад Ризо, Мусохонхожа Даҳбедий, халифа Ашур<sup>6</sup>, Сўфи Дехқондан қўл олган Муҳаммад Ислом шайх ва унинг силсила ҳалқасига кўпроқ эътибор қаратилган. Муҳаммад Ислом шайх Каррухийнинг шогирди халифа Қамариддин Азизи Ғузорий (1767-1863) *“нақшбандия – мужаддия – исломия”* силсиласи давомчиси бўлган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия-мужаддияда Даҳбедий хожаларининг таниқли намояндаси Муҳаммад Мусохонхожа ибн Исохожа Даҳбедий (1708-1776) алоҳида ўрин тутгани ва унинг кўплаб шогирдлари бўлганини алоҳида таъкидлаш керак. Муҳаммад Мусохонхожа сиёсий жараёнларда ўзи ва шогирдлари ҳам фаол иштирок этгани маълум бўлган.

---

<sup>6</sup> Кюгельген А. Расцвет Накшбандийа-Муджаддийа в Средней Трансоксании с XVIII до начала XIX вв.: опыт детективного расследования // Суфизм Центральной Азии. Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912—1998) / Сост. и отв. редактор А.А. Хисматулин. –СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – С. 300.

Диссертациянинг иккинчи параграфи “*Мужаддидиянинг Марказий Осиёдаги марказлари*” деб аталган бўлиб, мужаддидиянинг Марказий Осиёдаги марказлари ҳақида сз юритилган. Бухоро, Самарқанд, Қарши каби тарихий шаҳарлардан ташқари бир қанча тасаввуф марказлари мавжуд бўлган ва уларга Катлос, Миёнкол, Чўнқаймиш, Вахшувор, Кўлоб, Каррух, Лангар, Даҳбед, Сармеж, Жумабозор каби ўртача, кичик шаҳарчалар, мавзелар кирган. Мазкур марказлар Сўфи Оллоҳёр, унинг устозлари шайх Ҳабибуллоҳ, Сўфи Наврўз Шаҳрисабзий ҳамда шогирдлари фаолияти номи билан боғлиқдир. Чўнқаймиш мадрасасида ўқувчиларнинг дарсларга узлуксиз қатнашишларини таъминлаш мақсадида улар доимо қаттиқ назорат остига олинган. Жумладан, ўқувчи узрли дарс қолдирса, ўқитувчи бошқа бир ўқувчини юборган ва шунда ҳам дарсга келмаса, ўқувчининг отасини бундан хабардор қилган. Чўнқаймиш мадрасасида таълим олган талабалар агар сабабсиз икки ойу ўн кун дарс қолдирса, мадраса мутаваллиси ушбу ўқувчи ўрнига янги талаба олиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаган<sup>7</sup>.

Диссертациянинг учинчи параграфи “*Нақшбандия-мужаддидия билан боғлиқ зиёратгоҳ ва қадамжолар*” тавсифига бағишланган. Бундай зиёратгоҳ ва қадамжоларга Даҳбеддаги Маҳдуми Аъзам, Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Вахшувор қишлоғидаги Сўфи Оллоҳёр зиёратгоҳи, мазкур шайхнинг номи билан боғлиқ Ҳисор тоғларининг энг чеккасида ва текислик бошланиш қисмида жойлашган Чўнқаймиш ҳамда Оназиёрат, Ҳиротнинг Каррух шаҳарчасидаги Ислом шайх Каррухий, Ҳирот шаҳридаги Саййидои Каррухий зиёратгоҳи, Андхунд мавзесидаги Мавлоно Неъматуллоҳ зиёратгоҳи, Балхдаги Доруломон Балхий зиёратгоҳи, Душанбе яқинидаги Файзобод ноҳиясида Деҳан Саримозор зиёратгоҳи, Қашқадарёнинг Китоб туманидаги Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозиқ зиёратгоҳи кирган. Албатта бу каби зиёратгоҳлар бир неча йиллар мобайнида шаклланиб келгани ва нақшбандия-мужаддидия тариқати билан бевосита боғлиқ экани билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, Сўфи Оллоҳёр 1702 йилдан то 1712 йиллар охирларигача Чўнқаймишда истиқомат қилиб, хонақоҳ, масжид ва мадраса барпо этгани ҳамда тадқиқот жараёнида мадрасага оид нодир ҳужжатнинг илмий муомалага жалб этилиши натижасида мадраса фаолияти очиб берилган.

Афғон шоҳи Темуршоҳ давридан бошлаб Каррухдаги Ислом шайх Каррухий зиёратгоҳига эътибор катта бўлган. Буни Темуршоҳ томонидан Ислом шайх ва унинг фаолияти учун зарур бўлган барча зарурий шарт-шароитларни яратиб бергани, бунёдкорлик ишлари ва ҳудудга ажратилган вақф мулклари кўрсатиб турибди. Мирза Олим Мушриф маълумотида кўра, Кўкон хони Худоёрхон ҳам шу ерда вафот этгач<sup>8</sup> ушбу мазорда дафн этилгани маълум бўлган.

Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозиқ ёшлиги уламою фузалолар, тасаввуф арбоблари давраси (сарҳалқаси)да ўтгани сабаб, унинг илмий ижодиёти анча

<sup>7</sup> ЎзМА фонди Самарқанд вилоят бўлими (18), рўйхат-1, иш-9828, 4-варақ.

<sup>8</sup> Мирза Олим Мушриф ибн Домулла Мирза Раҳим Ташканди. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. – Т.: 1995. – Б. 97.

серкирралиги билан, шунингдек, уч тилда фаолият кўрсатгани диққатга сазовордир. У “Ҳозик” таҳаллуси билан ижод қилиб “Девон” тузгани, Абдурахмон Жомийнинг асари бўлмиш “Юсуф ва Зулайхо”га жавобан, шу номда асар ёзган<sup>9</sup>. “Танбеҳнома”<sup>10</sup> каби асарларни тасниф этган. Тиббиёт илмида ҳам бир қатор ёзишмалари бўлиб, улардан бири, машҳур тиб олими Умар Чағминийнинг “Шарҳи Қонунча” асарига “Таҳқиқ ул-қавоид” номли шарҳ битгани серкирра ижодини кўрсатса, машҳур асар “Равзат ус-сафо”нинг бир қисмини ўзбек тилига ўтиргани унинг таржима борасида ҳам тажрибали эканини кўрсатган. Жунайдуллоҳ Ҳозик устози Атоуллоҳ Хўқандий орқали отаси Ислом шайх силсиласига боғлангани, унинг тасаввуф таълимотидаги фаолиятини намоён этган.

Учинчи боб **“Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддидия таълимоти намояндалари”** деб номланиб, *“Нақшбандия-муҷаддидиянинг Марказий Осиёдаги пирлари”* номли биринчи параграфида Марказий Осиёдаги тариқат пирлари Сўфи Оллоҳёр ва Мусохонхожа Даҳбедий ҳамда уларнинг силсиласида фаолият кўрсатган тасаввуф намояндалари ҳаёти ва фаолиятларига бағишланган. Тадқиқот доирасига киритилган XVIII-XIX асрлар манбаларидаги маълумотлар ва далиллардан келиб чиқиб мазкур тариқатнинг икки машҳур вакили – Сўфи Оллоҳёр ва Мусохонхожа Даҳбедий тармоқларида фаолият олиб борган пирлар, уларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва шогирдлари тарихи тадқиқ этилган. Сўфи Оллоҳёрнинг шогирди Сўфи Ғойибназар Миёнколий ҳам ўзига хос пирлардан бўлиб, унинг шогирди Муҳаммад Ислом шайх Каррухий (1726-1807) XVIII аср ўрталари ва иккинчи ярмидаги тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган. У Нодиршоҳ қўшинлари асири бўлиб, Ҳиротдан Машҳадга олиб кетилган, сўнгра манғитлардан бўлган Муҳаммад Раҳимхон томонидан Бухорога олиб келинган ва бу ерда бир неча ҳарбий мартабалар соҳиби бўлган. У Ғазғонда яшаб турган вақтида тасаввуфга кирган ва Бухорога келиб бир неча пирлардан тарбия олиб ўзи шайхлик даражасига кўтарилган ва нақшбандия-муҷаддидияда кўплаб шогирдларни етиштирган.

Даҳбед хожаларидан саналган ҳамда нақшбандия-муҷаддидия тарихида машҳур Мусохонхожа Даҳбедий ўз фаолияти билан кенг танилган ва унинг шогирдларидан бўлган Муҳаммад Сиддиқ, Худоёр, Маҳмуд, Муҳаммад Юсуф<sup>11</sup> каби халифа-шогирдлар етиштирган. Унинг яна бир шогирди Муҳаммад Амин (1739-1814) Пири Дастгир лақаби билан машҳур бўлиб, Амир Ҳайдарга устозлик қилган. Машҳур шогирди Муҳаммад Ҳусайн (1168/1754-1250/1834) эса Бухоро амири Амир Насруллоҳни ўзига мурид қилиб олган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *“Тариқатдаги силсилалар ва муришид-муридлик анъаналари”* деб номланган. Бу бандда тариқатдаги

<sup>9</sup> Қўқонда ёзилган. Батафсил қаранг: Мулла Абдулмуталлиб хўжа. Тазкираи Фаҳмий. 302<sup>а</sup> варак.

<sup>10</sup> Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик. Танбеҳнома. Тошбосма. 1333/1914. ЎЗР ФА ШИ Ҳамид Сулаймон фонди инв. №8902/2

<sup>11</sup> Бу ҳақида батафсил қаранг: Мақсуд Даҳбедий. Миръот ус-соликин. Қўлёзма. Ориф Хикмат кутубхонаси инв. №1710-261/44. 126<sup>б</sup> варак.

силсила ва муршид-муридлик анъаналарини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда насл-насаб, силсила, маънавий-руҳий муносабат, насабий занжир ва ҳалқа масалалари ёритилган. Кўпроқ бу силсиланинг ислом дунёсидаги йирик шахслар ва улардан ҳулафои рошидунлар орқали Пайғамбар (с.а.в)га бориб уланиши ва турли шоҳлар ва генеалогик чизикларга эътибор қаратилиши билан бирга уларнинг силсилавий ва насабий боғланиши кўриб чиқилган. Бухоро амирларининг нақшбандия-мужаддия силсиласи пирларига мурид бўлиши ва уларнинг тариқатдаги фаолияти очиб берилган.

Нақшбандия таълимоти ўзгалар меҳнати ҳисобидан яшашни инкор этиб, инсон ўз кучи билан ишлаши белгилаб қўйилган. Бу борада шайхлар тариқат асосларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилишда<sup>12</sup> айнан ўзлари мансуб бўлган силсила тармоғи аниқ, ишончли бўлиши билан бир қаторда, ўзидан олдин ўтган муршид томонидан берилган, тасдиқланган “иршоднома” ҳужжати асосида фаолият олиб боришган. Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқати силсиласи XVIII асрга қадар маълум босқичларни босиб ўтиб, мазкур даврга етиб келгунгача нақшбандия-мужаддия силсиласида турли ҳудудларга тарқалган. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда фаолият олиб борган нақшбандия-мужаддия тариқатида асосан икки тармоқ, яъни Сўфи Оллоҳёр ва Мусохонхожа Даҳбедий тармоқлари муҳим ўрин тутгани ойдинлашган.

